

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019.В.91.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ХАЛҚУЗИЕВА МОХИРА АСАТУЛЛАЕВНА

СМОЛА САҚЛОВЧИ *FERULA TADSHIKORUM* PIMENOV ВА *FERULA FOETIDA* (BUNGE) REGEЛ ТУРЛАРИНИНГ БИОМОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ПЛАНТАЦИЯЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Халқузиёва Мохира Асатуллаевна

Смола сақловчи *Ferula tadshikorum* Pimenov ва *Ferula foetida* (Bunge) Regel турларининг биоморфологик хусусиятлари ва улардан Ўзбекистонда плантациялар ташкил қилиш истиқболлари..... 3

Халқузиёва Мохира Асатуллаевна

Биоморфологические особенности смола содержащих видов *Ferula tadshikorum* Pimenov и *Ferula foetida* (Bunge) Regel и перспективы создания их плантаций в Узбекистане..... 21

Halkuzieva Mokhira Asatullayevna

Biomorphological features of resin containing species *Ferula tadshikorum* Pimenov and *Ferula foetida* (Bunge) Regel and perspectives of creation of plantations in Uzbekistan..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019.В.91.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ХАЛҚУЗИЕВА МОХИРА АСАТУЛЛАЕВНА

**СМОЛА САҚЛОВЧИ *FERULA TADSHIKORUM* PIMENOV VA
FERULAFOETIDA(BUNGE) REGEL ТУРЛАРИНИНГ
БИОМОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОНДА
ПЛАНТАЦИЯЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2022

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2021.2.PhD/В 439 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.Guldu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот–таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳмонкулов Умаркул
биология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Акрамжон Юлдашев Султонмуродович
биология фанлари доктори, профессор

Адилов Бехзод Абдуллаевич
биология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат университети

Диссертация ҳимояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.В.91.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 26 февруари соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 120100, Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, 4–мавзе Тел.: (+99867) 225–39–25, факс (+99867) 225–39–25, E–mail: glsuinfo@edu.uz.)

Диссертация билан Гулистон давлат университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (№6 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 120100, Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, 4–мавзе Тел.: (+99867) 225–39–25.

Диссертация автореферати 2022 йил 4 феврал да тарқатилди.

(2022 йил 4 феврал №6-сонли реестр баённомаси)



Х.К. Каршибаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси б.ф.д., профессор

Ф.П. Гаибназарова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби б.ф.д. (PhD), доцент

И.У. Уразбоев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
б.ф.д. (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида фармацевтика саноатининг ривожланиши натижасида доривор ўсимликларга талаб ортиб бормоқда. Уларнинг биологик хилма-хиллигини сақлаш, ноёб ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган турларини аниқлаш, биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Шунга кўра, камайиб бораётган ўсимлик турларининг биоморфологик хусусиятларини ўрганиш, интродукция ишларини олиб бориш, улардан плантациялар ташкил қилиш, муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқиш, уларни сақлаб қолиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда табиий ва антропоген омиллар таъсири натижасида доривор ўсимлик турларининг камайиб кетиш сабабларини аниқлаш, уларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш йўллариини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, шифобахш ўсимликлардан *Apiaceae* Lindl. оиласига мансуб *Ferula* L. туркуми турларидан *Ferula foetida* (Bunge) Regel ва *F. tadshikorum* Pimenov ўсимликларидан олинadиган доривор воситаларга бўлган талабнинг кундан-кунга кучайиб бориши ўсимликнинг биологик хилма-хиллиги ва уларнинг заҳиралари камайишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари уларнинг табиий кўпайиш имкониятларининг пастлиги, антропоген омиллар таъсири ҳамда босим ҳудудларида жойлашганлиги, иқлим ўзгариши уларнинг қайта тикланишига салбий таъсир қилмоқда. *F. foetida*, *F. tadshikorum* турларининг турли шароитда ўсиши ва ривожланишини аниқлаш, адир ва чўл минтақаси лалми шароитида уруғларидан экиб кўпайтириш, плантациялар ташкил этиш ва сифатли хом ашё яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда доривор ўсимликлар биологик хилма-хиллигини сақлаш, уларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш чора тадбирларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилиб, жумладан, *Ferula* L. туркумининг айрим турлари систематикаси, карпологияси, биологияси, экологияси, заҳиралари ҳамда кимёвий ва фармакологик хусусиятлари юзасидан муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “... фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳолини ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлаш”нинг муҳим вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда *Ferula foetida*, *F. tadshikorum* ўсимликларининг биоморфологик хусусиятларини онтогенезда ўрганиш, уруғидан экиб кўпайтириш ҳамда амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 мартдаги ПҚ-3617-сон “Республикада коврак плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг хом

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

ашёсини қайта ишлаш, ҳажмларини кўпайтириш ҳамда экспорт қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июлдаги ПҚ-5178-сон “Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлашни кўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Ferula L.* туркумининг айрим турлари систематикаси, карпологияси, экологияси ва тарқалиши Е.П.Коровин (1947, 1951, 1959), М.Г.Пименов (1977, 1983), В.М.Виноградова (1990), Л.К.Сафина (2015) ва бошқаларнинг ишларида акс этган. V.K.Sharipova (2017) *Ferula L. (Apiaceae Lindl.)* туркумининг айрим турлари мевасининг анатомик тузилишини таҳлил қилган.

Ўзбекистонда *Ferula L.* туркуми турларининг биологияси ва захиралари У.Раҳмонқулов (1999; 2016), С.Мелибоев (1985), Х.Нишанбаева (1972), И.Муқимов (1993), Х.Раҳмонов (2017), О.Авалбаев (2020)лар томонидан, анатомияси, цитозембриологияси А.А.Бутник ва бошқ. (2009), кимёвий ва фармакологик хусусиятлари А.И.Саидходжаев (1985), Г.К.Никонов (1971), В.М.Маликов (1980), А.Г.Курмуков, Х.С.Ахмедходжаева (1994)лар томонидан ўрганилган.

О.Авалбаев (2020) томонидан Ғарбий Помир – Олой тизмаси – Нурота, Туркистон, Зарафшон, Ҳисор тоғларида учрайдиган *Ferula L.* турлари ҳақида маълумотлар келтирилган. М.С.Сагындыкова (2016) томонидан Манғистау чўлидаги *Ferula foetida* нинг популяция полиморфизмини, А.Имамбаева ва бошқ. (2020) бу турнинг морфологик ва анатомик тузилишини аниқлаган. Д.Хамраева ва бошқ. (2021) томонидан *Ferula tadshikorum* турининг прегенератив даврида анатомик ва морфологик тузилиши ўрганилган. О.К.Хожиматов ва бошқ. (2019) томонидан *Ferula tadshikorum* Pimenov турини уруғидан етиштириш бўйича йўриқнома яратилган.

F. tadshikorum ва *F. foetida* турларининг плантация шароитида биоморфологик хусусиятларини ўрганиш, уларнинг турли муҳитда ўсиш ва ривожланишини аниқлаш; адир минтақасида плантацияларини ташкил қилиш ҳамда улардан унумли смола олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг № И-01-2019-43 “Ўзбекистоннинг чўл минтақаларидаги шўрхок ва сувсиз ерларда *Ferula foetida* (Bunge) Regel кўчатларини етказиб берувчи инновацион плантацияларни барпо қилиш” (2019-2021) мавзусидаги инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади смола сақловчи *Ferula tadshikorum* ва *Ferula foetida* турларининг биоморфологик хусусиятларини аниқлаш ва улардан Ўзбекистоннинг адир ҳамда чўл минтақаларида плантациялар ташкил қилишни амалга оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

F. tadshikorum ва *F. foetida* турларининг плантация шароитида биоморфологик хусусиятларини очиб бериш;

F. tadshikorum ва *F. foetida* турларининг турли муҳитда ўсиш ва ривожланишини аниқлаш;

F. tadshikorum ва *F. foetida* турларининг адир ҳамда чўл минтақасида плантацияларини ташкил қилиш, ўсимлик индивидларининг йиллар давомида сақланиб қолиш ҳолатини аниқлаш;

F. tadshikorum ва *F. foetida* табиий ковракзорлардан илмий асосланган ҳолда самарали фойдаланиш ҳамда улардан унумли смола олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *Ferula* L. туркумига кирувчи *F. tadshikorum* ва *F. foetida* турлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети адир ва чўл минтақасида яратилган плантациялар шароитида *Ferula tadshikorum* ва *F. foetida* турларининг биологияси, ўсиши, ривожланиши, биоморфологияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда дала тажрибалари, лаборатория, биоморфологик, фенологик, биометрик усуллардан фойдаланилган. Олинган тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Origin 8.6 (OriginLab Corporation, USA) компьютер дастури ёрдамида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ferula tadshikorum ва *F. foetida* турларининг уруғ унувчанлиги ва плантация шароитида уларнинг биоморфологик хусусиятлари аниқланган;

Ferula tadshikorum ва *F. foetida* турларининг турли хил муддатларда, чуқурликларда, қалинликда ва турли тупроқларда ўсиши ҳамда ривожланиши аниқланган;

Жиззах ва Қашқадарё вилоятларининг адир ва чўл минтақаси лалми шароитида *F. tadshikorum* ва *F. foetida* турларини уруғдан экиб кўпайтириш ва плантациялар яратиш истиқболлари илмий асосланган;

F. tadshikorum ва *F. foetida* турлари кўчатларининг йиллар давомида сақланувчанлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

адир минтақасида лалми шароитда *F. tadshikorum* ва *F. foetida* уруғларини экиш муддатлари, экиш чуқурлиги ва меъёрлари, турли тупроқларда экилганда уларнинг униб чиқиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

F. tadshikorum ва *F. foetida* турларининг смола олишгача бўлган давригача кўчатларини сақланиб қолиши ва гектарига сарф бўладиган уруғ миқдори аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда классик ва замонавий усулларнинг қўлланилгани ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда chop этилгани, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал лойиҳаларини бажариш давомида тан олингани, морфометрик маълумотларнинг Biostat дастурида статистик таҳлил қилинлиги ва амалий натижаларнинг ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқлангани ҳамда амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда адир ва чўл минтақаларида *F. tadshikorum* ва *F. foetida* турларининг биоморфологик хусусиятлари ва уларни лалмикор майдонларда экиб ўстириш имконияти мавжудлиги илмий асослангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – лалмикор майдонларга *F. tadshikorum* ва *F. foetida* уруғларидан экиб, плантациялар ташкил этиш йўли билан фармацевтика саноатини хом ашё билан таъминлаш, *F. tadshikorum* ва *F. foetida* ўсимлиги илдизларига зарар етказмасдан смола олиш йўллари ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Смола сақловчи *Ferula tadshikorum* Pimenov ва *F. foetida* (Bunge) Regel ларнинг биоморфологик хусусиятлари ва улардан Ўзбекистонда плантациялар ташкил қилиш истиқболлари мавзуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ferula tadshikorum ва *F. foetida* турларидан лалми ва шартли суғориладиган майдонларда уруғидан экиб ўстириш асосида ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Жиззах вилояти Арнасой тумани “ШИФО КОВРАК” ва “ШАХБОЗ ЧОРВА ДАЛАСИ” фермер хўжаликлари ҳудудида экиб кўпайтириш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон фермер, Деҳқон хўжаликлари ва Томорқа Ер Эгалари кенгаши 29 март 2021 йил № 01/03-0928 сонли маълумотномаси). Натижада маҳаллий ва хорижий фармацевтика бозорида хом ашёсига талаб юқори бўлган *F. tadshikorum* ва *F. foetida* турларининг жами 70 гектар саноат плантациясини ташкил этиш имконини берган;

Жиззах вилоятининг лалмикор майдонларида плантациялар яратиш учун уруғларнинг турли шароитларда униб чиқиши ва сақланиб қолиши юзасидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Жиззах вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси 2021 йил 07 апрел 03-02/884-сонли маълумотномаси). Натижада *Ferula tadshikorum* ва *Ferula foetida* турларининг табиий популяцияларини қайта тиклаш, сақлаб қолиш, тирик коллекцияларини яратиш ҳамда муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган.

F. tadshikorum va *F. foetida* турлари уруғларининг дала шароитларидаги унувчанлиги ва майсаларнинг яшовчанлигини ошириш, кўчат тайёрлаш ва кўпайтириш усуллари бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Жиззах вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги Давлат кўмитаси 2021 йил 19 июль 0438/2996 сонли малумотномаси). Натижада ўрмон хўжалигининг *Ferula tadshikorum* va *Ferula foetida* турларини уруғларидан экиб кўпайтириш мумкинлиги илмий асосланган ва интродукциялар яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 11 та республика илмий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 таси хорижий ва 4 таси республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 106 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “*F. tadshikorum* va *F. foetida* ларнинг биоморфологик хусусиятларини ўрганиш услублари ва тадқиқот материали” деб номланган биринчи бобида тадқиқот объекти – смола сақловчи *F. tadshikorum* va *F. foetida* турларининг ботаник таснифи ҳамда Ўзбекистоннинг физик-географик тавсифига бағишланган бўлиб, Жиззах вилояти Арнасой тумани ва Қашқадарё вилояти Дехқонобод туманларининг табиати, иқлими, тупроқлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот объекти – смола сақловчи *F. tadshikorum* va *F. foetida* турлари ҳисобланади. Улар монокарп, кўп йиллик ўсимликлар эканлиги қайд қилинган. Иккала смола сақловчи турларнинг морфологик белгилари ва уларнинг тарқалиши ҳақида фикр юритилган.

Ўсимлик онтогенезини ва уларнинг ёш ҳолатларини аниқлашда Т.А.Работнов (1950), Г.А.Жукова (2007), А.А.Уранов (1967) методларидан, ўсимликнинг ҳаётий шаклини таърифлашда И.Г.Серебряков (1951), морфологик хусусиятларини аниқлашда А.А.Сафина (1984) методларидан фойдаланилди. Ўсимликнинг календар ёшини белгилашда С.Рахимов (2007) ва Х.Рахмонов (2017) методларидан фойдаланилди. Уруғларнинг лаборатория шароитида унувчанлиги М.Г.Николаева (1950) ва У.Рахмонкулов, О.Авалбаев

(2018) методлари асосида ўрганилди.

Диссертациянинг “*F. tadshikorum* ва *F. foetida* нинг тарқалиш ареали ва уларнинг хўжалик аҳамияти” деб номланган иккинчи бобида *F. tadshikorum* ва *F. foetida* турларининг тарқалиш ареали, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида коврак ўсимлиги ўсадиган ҳудудларнинг ҳозирги аҳволи ва доривор хусусиятлари, чорвачилиқда аҳамияти ҳақида маълумотлар келтирилган.

F. tadshikorum тури Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари, асосан, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг адир ва тоғ зоналарида ўсади. *F. foetida* чўл ва адирлар, Қизилқум саҳролари, Мирзачўл, Қарнабчўлда, Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида тарқалган.

Учинчи боб “*F. tadshikorum* ва *F. foetida* турларининг биоморфологик хусусиятлари” деб номланган бўлиб, *F. tadshikorum* ва *F. foetida* турлари онтогенезининг турли давр ва босқичларида биоморфологик хусусиятлари ёритилган.

Эмбрионал даври. Ўрганилган тур уруғлари июл-август ойларида пишиб етилади. Сурхондарё вилоятидан 2015 йилнинг июль ойида йиғилган *F. foetida* тури уруғларининг абсолют (1000 дона уруғнинг) оғирлиги ўртача 50,6-60,3 граммни, Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод туманидан йиғилган *F. tadshikorum* турининг уруғлари эса 33-35 граммни ташкил қилди.

F. foetida ва *F. tadshikorum* турларининг уруғлари ясси, қисилган бўлиб, четлари кенг, тукланган, эллипсимон ва овалсимон, учки томони ўйиқ бўлиб, морфологик ўлчамлари ва уларнинг бир-биридан фарқи қуйидаги жадвалда берилган(1- жадвал).

1-жадвал

F. foetida ва *F. tadshikorum* турлари уруғларининг морфологик ўлчамлари
(n=100)

Турлар	Уруғ		Эндосперм		Муртак	
	Бўйи см	Эни см	Бўйи см	Эни см	Бўйи см	Эни см
<i>F. foetida</i>	2,35±0,11	1,45±0,06	1,45±0,07	1,09±0,04	0,97±0,04	0,25±0,01
<i>F. tadshikorum</i>	1,85±0,07	0,95±0,03	0,7±0,03	4,7±0,17	3,7±0,15	0,13±0,006

Виргинил (прегенератив) даври. *Майса босқичида F. Tadshikorum*, асосан, 2 та ипсимон уруғпаллабарг ҳосил қилади. Уруғпаллабарглари узунчоқ чекка қирралари (қирқилмаган) ланцентсимон, тор, туксиз, яшил рангда бўлиб, гипокотил 0,2-0,6 см ни ташкил этади. Уруғи экилган кундан сўнг об-ҳаво ҳароратига қараб, 60-65 кунда иккита яшил рангли уруғпаллабарг пайдо бўлиб униб чиқа бошлади ва вегетацияси апрел ойининг ўрталарида максимал даражада ўсди, 95-100 кунда у қуриб кетди.

F. foetida уруғи экилгандан сўнг 65-70 кунда 2 та уруғпаллабарги тупроқ юзасига кўтарилиб чиқди. Уруғпаллабарглари чекка қирралари текис (қирқилмаган), тасмасимон, туксиз, энсиз шаклларда, ранги оч яшил, гипокотил узунлиги 0,1-0,5 см бўлади. Улар 100-103 кунда қуриб кетди. Иккала турнинг

уруғпаллабарглар пластинкасининг орқа томонида битта томири кўриниб туради.

F. tadshikorum чин баргининг шакли ромбсимон, барг пластинкаси чўзинчок, чеккаси майда қирқилган бўлиб, чин барглари уруғ экилгандан кейин 80-кунда пайдо бўла бошлайди ва у 130-кунда қуриб кетди.

F. foetida чин баргининг ранги яшил, шакли узун ипсимон-наштарсимон, чеккаси текис бўлиб, чин барглари кечроқ 90-95 кунда ҳосил бўлди ва 130-135 кунда қуриб кетди.

Ўрганилган турларнинг ҳар бирида вегетациянинг биринчи йилида 2-4 тагача чин барг юзага келади. *F. tadshikorum* нинг биринчи чин барги 80-90 кунда ҳосил бўлган бўлса, иккинчи чинбарг 5-10 кундан сўнг ҳосил бўлди. *F. foetida* нинг биринчи чинбарги экилганидан сўнг 90-100 кунда ҳосил бўлиб, қолган чинбарглари орадан 5-10 кун ўтгач ҳосил бўла бошлайди. Учинчи ва тўртинчи чин барг иккала турда ҳам биринчи йилда жуда кам ҳолларда ривожланиди. Бу турлар май ойининг охири ва июнь ойларида тиним даврига ўтди. *F. tadshikorum* ва *F. foetida* лар майсаларининг морфобиологик таснифи куйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

***F. tadshikorum* ва *F. foetida* ларнинг уруғпаллабарг ва чин баргларининг морфобиологик таъсифи (2018-2020 йиллар)(n=100)**

№	Тур номи	Уруғпаллабарг (см)		Чин барг (см)			Илдиз (см)		
		Бўйи	Эни	Узунлиги	Эни	Барг банди	Умумий узунлиги	Тугунакнинг узунлиги	Тугунакнинг диаметри
1	<i>F.tadshikorum</i>	5±0,25	0,45±0,02	7±0,35	1,5±0,07	2,5±0,12	10,5±0,52	2,5±0,12	0,35±0,01
2	<i>F. foetida</i>	4±0,2	0,3±0,01	5±0,25	1±0,05	2±0,01	9±0,45	3,5±0,17	0,55±0,02

Жадвалдан маълумки, *F. tadshikorum* нинг барги йирик ва илдизлари узун ҳамда уларнинг илдизи анча чуқурликка кириб боради, ўсимлик эрта униб чиқди ва вегетацияси узоқ давом этиши кузатилди. Бундан ташқари *F. foetida* нинг биринчи йилги барглари чеккаси қирқилмаган бўлса, *F. tadshikorum* нинг барглари чеккаси майда қирқилганлиги билан характерланади. Коврақлар майса босқичидан ювенил босқичига ўтади.

Ювенил босқичида эрта имматур босқичига ўтиши, унинг майса ва илдизларининг морфологик ўзгаришлари билан боғлиқ бўлиб, ўрганилган турларнинг иккинчи йилдан олтинчи йиллардаги ривожланиш босқичини ўз ичига олади.

Бу босқичда ҳам *F. tadshikorum* нинг барг пластинкаси тасмасимон, *F. foetida* ники эса тухумсимон шаклини сақлаб қолади. Иккала тур ҳам, асосан, 2-3 тагача, баъзан 4 тагача барг ҳосил қилади. *F. tadshikorum* нинг барг пластинкалари узун, йирик, ҳар бир барглари 7-35 карра бўлинган бўлиб, барг бўлақлари узунлиги 10-15 см, эни 5-8 см оралиғида бўлса, *F. foetida* нинг барги 10-45 тагача бўлинган бўлиб, бўлақлари узунлиги 5-12 см, эни 3-6 см гача етади. *F. foetida* барг пластинкалари *F. tadshikorum* га нисбатан кўпроқ бўлинади, аммо бўйи ва эни унга нисбатан фарқ қилади. Иккала тур

илдизларининг морфологик таснифи қуйидаги 4-жадвалда келтирилган. Жадвалдан маълумки, *F. tadshikorum* илдизининг 6-йилда умумий узунлиги 72.5 ± 2.45 см га, *F. foetida* илдизининг узунлиги $70 \pm 2,45$ см га етади, узунликлар бир-биридан бироз фарқ қилади.

F. tadshikorum ва *F. foetida* ларнинг олтинчи йилги вегетациясида тупбаргларнинг йириклашиши, илдиз системасининг яхши ривожланиши кузатилди. Иккала тур бир-биридан тупбаргларнинг шакли, узунлиги ва ранги жиҳатидан фарқ қилиб, *F. foetida* га нисбатан *F. tadshikorum* нинг барг пластинкалари йирик, илдизлари узун; вегетацияси эртароқ бошланиб, у узоқ давом этади. *F. foetida* нинг барг пластинкалари *F. tadshikorum* га нисбатан кўпроқ бўлинади. Илдизлари шакли, ранги билан бир-биридан фарқ қилиб, *F. tadshikorum* нинг илдизи цилиндрсимон шаклда, тўқ малла рангда бўлса, *F. foetida* нинг илдизи бочкасимон бўлиб, ранги оч малла эканлиги кузатилди.

3-жадвал

Ювенил босқичида *F. tadshikorum* ва *F. foetida* илдизларининг морфобиологик таснифи (n=100)

<i>F. tadshikorum</i>									
№	Ёши	Илдизнинг умумий узунлиги (см)	Тугунакининг узунлиги (см)	Тугунакининг диаметри (см)	Илдиз бўғзи диаметри (см)	Ён илдизлар (см)	Нам холда оғирлиги (гр)	Қурук холда оғирлиги (гр)	Қурук модда миқдори (%)
1	2	15±0,39	4,5±0,15	0,7±0,02	0,45±0,01	10.5±0,29	60±2,43	12±0,32	20±0,54
2	3	40±1,24	12,5±0,51	2,15±0,08	1,5±0,05	14±0,36	125±4,25	26±0,88	21±0,50
3	4	40,5±1,25	18±0,77	3,1±0,13	2,6±0,09	15.5±0,45	180±7,0	40±1,28	22±0,57
4	5	32,5±1,04	25±1,07	3,25±0,15	4,0±0,14	18±0,61	245±8,82	57±1,59	23±0,73
5	6	72,5±2,45	34±1,56	11±0,46	6±0,22	19±0,70	1420±48,3	619±17,95	44±1,39
<i>F. foetida</i>									
№	Ёши	Илдизнинг умумий узунлиги (см)	Тугунакининг узунлиги (см)	Тугунакининг диаметри (см)	Илдиз бўғзи диаметри (см)	Ён илдизлар (см)	Нам холда оғирлиги (гр)	Қурук холда оғирлиги (гр)	Қурук модда миқдори (%)
1	2	9,5±0,35	5,5±0,18	1,75±0,06	1,25±0,04	6,5±0,18	62±1,80	13±0,35	21±0,56
2	3	31,5±1,07	14,25±0,49	2,25±0,08	1,6±0,06	10,5±0,26	132±6,6	30±0,81	23±0,55
3	4	37,5±1,31	13,5±0,45	3,35±0,11	2,45±0,08	14±10,7	194±7,17	46±1,42	24±0,67
4	5	47,5±1,71	16±0,60	4,5±0,15	3,3±0,11	15,5±0,40	250±9,25	65±1,95	26±0,80
5	6	70±2,45	25,5±0,88	12,5±0,43	8.5±0,24	19±0,59	1250±32,5	598±17,34	48±1,77

F. foetida тугунагининг диаметри *F. tadshikorum* га нисбатан катта бўлиб, ранги ҳам бир-биридан фарқ қилади (3-жадвал).

Имматур босқичи. *F. foetida* ва *F. tadshikorum* турларининг барглари дағал, асосан, тупбарглардаги барглар кўп марта қирқилган бўлади, *F. tadshikorum* нинг барглари максимал 60-80 см гача, эни 40-60 см, *F. foetida* нинг барглари 50-70 см, эни 35-50 см гача етади. Уларни илдизларининг оғирлиги 3 килограммдан 17 килограммгача боради. Уларнинг ҳалқаси сонига қараб ёшини ҳам билишимиз мумкин.

Виргинил босқичи. Ушбу босқичда барглари ва илдиз туганаклари етук ўсимликларга хос тузилишда бўлади. Ҳар йили ўсимликлар 3 тадан 5 тагача пардасимон баргларга эга бўлиб, ўсиш куртаклардан кўкариб чиққунча яшайди. Уларнинг узунлиги 2 см дан 3,5 см гача етади. Бу даврда *F. tadshikorum* нинг ҳақиқий баргларининг узунлиги 70-110 см, *F. foetida* ники эса 60-100 см гача боради.

Генератив даврида *F. foetida* ва *F. tadshikorum* ўсимликларининг генератив даври қисқа, улар ҳаётининг сўнгги йилида гуллаб, уруғлайди ва ҳаётини яқунлайди.

Иккала турда ҳам мураккаб соябонгуллари асосий ўқда навбат билан жойлашади. Ҳар бир мураккаб соябонгул бандли бўлиб, ўз навбатида, яна қисқа бандли соябонгуллар ҳосил қилади. Ҳар бир соябонгул икки жинсли ёки чангчили гуллар билан тугайди. Паракладийлар учуда ҳар хил тартибда, ҳар хил узунликда ва турлича сонда соябонгуллар жойлашган.

Бизнинг кузатишимизча, март ойининг охирида иккала турда ҳам генератив новда интенсив равишда ўсади ва баландлиги 45,0-50,0 см гача бориб, паракладий ва улардаги соябонгуллар аниқ кўриниб, марказий ва ён соябонгуллар тўлиқ шаклланади. *F. foetida* ва *F. tadshikorum* нинг ҳар бир паракладийларида марказий (ўртача узунлиги 2-см ва кенглиги 1 см) ва ён (ўртача узунлиги 0,8 см,) соябонгуллар бўлиб, марказий соябонгулдаги гуллар, асосан, икки жинсли, яъни чангчи ва уруғчили, ён шохдаги соябонгуллари, асосан, чангчили гуллардан баъзан чангчили ва уруғчили гуллардан ташкил топган. Соябонгулдаги соябонгулчаларининг ҳар қайсиси 12-15 тадан гул ҳосил қилади. Чангчили гуллар сони икки жинсли гулларга қараганда кўп бўлиб, *F. tadshikorum* турида *F. foetida* нисбатан икки жинсли гуллар сони, чангчили гуллар сони кўпроқлиги билан ажралиб туради.

Поясининг пастки қисмида жойлашган паракладийнинг марказий соябонгулининг ён шохларида жойлашган чангчили гуллар ғунчалай бошлайди. Бу даврда ўсимликнинг тупбарглари максимал ўлчамга етиб, *F. tadshikorum* нинг тупбарглари бўйи 70,0-105,0 см га, эни 25,0-30,0 см гача боради. *F. foetida* нинг тупбарглари бўйи 55-90 см га, эни 20-25 см гача етади. Уларнинг сони 3 та, баъзан 4 та бўлади. Генератив новданинг ўсиши унинг гуллаш даврида секинлашиб, гуллаш даврининг охирига бориб умуман тўхтайд.

Чангчили гулларнинг очилиши уруғчи гулларнинг уруғчиси етилган даврига тўғри келади, бу ўсимликнинг ўз-ўзидан ва четдан чангланишига имкон беради. Ўрганилаётган турлар май ойининг бошларига келиб ўсимлик мевалаш пайтида барглари қурий бошлайди. Барча монокарп турлар каби *F. tadshikorum* ва *F. foetida* ўсимлигида ҳам 35-40 кун ичида дастлаб тупбарглар, сўнгра поядаги барглар қурий бошлайди.


Сенил (постгенератив) – қариш даври, *F. foetida* ва *F. tadshikorum* турларида сенил даври кузатилмайди.

Диссертациянинг “***F. tadshikorum* ва *F. foetida* турлари плантацияларини ташкил этиш истиқболлари**” деб номланган тўртинчи боби уруғларнинг униш динамикаси, турли муддатларда, чуқурликда экилганда

униб чиқиши, уруғларининг турли тупроқ шароитларда униш биологияси, майсаларининг биоморфологик хусусиятлари ва дастлабки ривожланиш даврида агротехнологик тадбирларнинг ролини аниқлашга бағишланган.

Уруғларнинг униш динамикаси. Уруғидан кўпайтириш усуллари, асосан, дунё амалиётида кўп йиллик ўсимликларда кенг қўлланилиб, уруғлар униш биологиясига бир неча омиллар таъсир кўрсатиб, ҳарорат, намлик, ёруғлик, сақлаш шароити ва уруғ пўстининг тузилиши, униш давридаги физиологик ҳолати кабилар унинг асосий омиллари ҳисобланади.


2019-йилнинг ноябрида 2016-2017-2018 ва 2019-йилларда йиғилган уруғлар хона ҳароратида сақланиб, сўнгра 0⁰+ 4⁰ ҳароратда Петри лycopчасига 100 тадан сараланиб, 90 кун давомида ундиришга қўйилди (1 - расм).




1-расм. *F. foetida* ва *F. tadshikorum* турларининг оддий шароитда (хона ҳароратида) сақлаб, сўнгра – (0) +4⁰ да ундириш (n=800).

F. foetida ва *F. tadshikorum* ларининг эмбрионал даври 4 йилдан юқори ҳисобланади. *F. tadshikorum* янги йиғилган йилида (2019 йил) 89 % унса, 4 йил сақланган уруғ 25 % унди. *F. foetida* нинг униш даражаси эса бу даврда 59-12 фоизни ташкил қилди. Демак, ковракларнинг, асосан, ўша йили йиғилган ёки иккинчи йили йиғилган уруғларининг униш даражаси юқорилиги аниқланди. Уруғлар тиним давридан сўнг қулай шароитда униш жараёнига ўтади.

F. foetida ва *F. tadshikorum* нинг турли чуқурликларда униб чиқиши даражасини аниқлаш мақсадида ўсимлик уруғи 1 метр квадратга 100 та уруғлар беш хил вариантда экилиб, кузатиш олиб борилди: 1) уруғлар тупроқ юзасига сепилган ҳолатда (тупроққа кўмилмасдан) қолдирилди; 2) уруғлар 0,5-1,0 см чуқурликда; 3) 1-2 см чуқурликда; 4) 2-3 см чуқурликда; 5) 4-6 см чуқурликда экилди.



2-расм. *F. tadshikorum* турли чуқурликларда экилганда униб чиқиши.



3-расм. *F. foetida* турли чуқурликларда экилганда униб чиқиши.

F. foetida уруғининг 0,5-1,0 см оралиғида экилган варианты энг юқори даражада 55 %, *F. tadshikorum* ники эса 65 % униб чиқиши кузатилди. Уруғ юзага экилганда ҳам униб чиқиш даражаси бошқа вариантларга нисбатан анча юқорилиги аниқланди. Чунки Арнасой тумани тупроқлари қумли тупроқлардан иборат бўлиб, куз ва қишда майда қум зарралари учиб келиб тупроқ юзасида тўпланади. Бошқа вариантларда уруғ қанча чуқурликка экилса, унинг униб чиқиш даражаси шунчалик пасайиб бориши кузатилди (3-расм).

Тажриба олиб борилаётган иккала турда ҳам барча вариантларда 60-70 кун оралиғида уруғларнинг асосий қисми униб чиқди.

Ўрганилаётган турларнинг уруғларини қайси муддатда экилса яхши натижа беришини аниқлаш мақсадида *F. tadshikorum* уруғи 2017 йил июл ойида Қашқадарё вилояти, Дехқонобод туманида, *F. foetida* нинг уруғи эса Сурхондарё вилоятдан июл ойида йиғилиб, тажриба ўша йили кузда – сентябр, октябр, ноябр, декабр ҳамда кейинги йилнинг январ, феврал ва март ойларида уруғлар ҳар қаторга 100 донадан (5 хил вариантда) 0,5-1,0 см чуқурликда экилди.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, иккала тур уруғлари сентябр ойида экилганда улар униб чиқмади. Уруғларнинг униб чиқиши октябр ойида 20 %, ноябр ойида 30 %, декабр ойида 50 %ни ташкил қилди. Уларнинг униб чиқиши феврал ойининг охирида, январ, феврал ойларида экилган уруғлар март ойининг ўрталарида униб чиққан майсалар 45-35 %ни ташкил қилди.

Март ойида экилган уруғларнинг униб чиқиши апрелни ўрталаридан бошланди, аммо уларнинг униш даражаси жуда кам фоизни ташкил қилди (12-15 %). *F. foetida* ва *F. tadshikorum* ларнинг уруғи декабр ва январ ойида экилганда униб чиқиши бошқа ойларига нисбатан юқори натижа кўрсатди. Бундан эрта ёки кеч экилганда уруғларнинг униб чиқиши анча паст даражада эканлиги аниқланди.

F. tadshikorum ва *F. foetida* нинг уруғлари турли хил тупроқларда экиб кўпайтирилди. Уруғлар алоҳида кумли, бўз ва калий ўғитига бой бўлган тупроқларга 100 тадан, 0.5-1.0 см чуқурликда декабр ойида 2 хил вариантда экилди, *биринчи назорат варианты* – уруғ ташқи табиий шароитда (муҳитда) ундирилди. *Иккинчи назорат варианты* – сув билан намлаб турилганда (апрел ойида) униш биологияси ва майсаларининг морфобиологик хусусиятларининг ўсиши ўрганилди.

F. foetida сув билан таъминланган муҳитда ундирилганда калийга бой бўлган ва органик ўғит солинган тупроқларда уруғларнинг униб чиқиш даражаси анча юқори фоизни (56 %) ташкил қилиб, кумли тупроққа экилган уруғлар эса энг паст (26 %) кўрсаткични берди.

Назорат вариантыда *F. foetida* калийга бой бўлган тупроқда уруғларнинг униб чиқиши бошқа тупроқлардагига қараганда анча юқори (62 %) бўлиб, энг кам униб чиқиш (32 %) кумли тупроқда кузатилди.

F. tadshikorum сув билан таъминланган муҳитда ундирилганда калийга бой бўлган ва органик ўғитда уруғлар униб чиқиши анча юқори (80 %) бўлиб, кумли тупроққа экилган уруғлар энг паст (26 %) кўрсаткични берди.

F. tadshikorum ва *F. foetida* табиий ва сув билан таъминланган муҳитда калийли тупроқларда, уруғларнинг униб чиқиши ва майсалар ўсиши юқори даражада бўлиб, вегетацияси узоқ давом этди.

F. tadshikorum ва *F. foetida* турларининг дастлабки ривожланиш давридаги агротехник тадбирларнинг ролини ўрганиш мақсадида уруғларини икки ва уч йил давомида бир хил тупроқда икки вариантда экиб ўстирилди. Биринчи варианты – ерга агротехнологик ишлов берилиб, баҳорда вегетация давомида 2 марта суғорилди. Иккинчи назорат варианты – ўсимлик табиий муҳитда суғорилмасдан ўстирилди.

Назорат ва тажриба вариантларида ўсган икки ва уч йиллик *F. tadshikorum* ва *F. foetida* ларнинг морфобиологик таснифи 4- ва 5-жадвалларда берилган.

4-жадвал

F. tadshikorum нинг турли вариантларда ўстирилганда морфобиологик таснифи (n=100)

Вариант	Барги (см)			Илдизи (см)			
	Бўйи	Эни	Барг бандининг узунлиги	Илдизнинг умумий узунлиги	Тугунакнинг узунлиги	Илдиз диаметри	Ён илдизлари
Икки йиллик							
Тажриба варианты	38,5±1,9 2	7±0,32	13,5±0,67	28,5±1,31	6,0±0,30	0,95±0,04	19±0,95
Назорат варианты	17±0,85	4,0±0,2	8,5±0,42	16±0,73	4,5±0,22	0,7±0,75	13±0,65
Уч йиллик							
Тажриба варианты	80±1,52	57±1,82	28±0,72	62±1,55	15±0,41	2,15±0,06	18±0,64
Назорат варианты	49±1,02	45±1,17	22±0,55	45±1,17	13±0,44	1,75±0,05	14±0,49

4-жадвалдан маълумки, *F. tadshikorum* нинг иккинчи йилги вегетациясида ҳам табиий ҳолда ўсган (назорат варианты) ўсимликларга нисбатан агротехнологик ишлов берилган ва 2 марта суғорилган ўсимликларнинг барглари ҳамда илдизларининг морфобиологик кўрсаткичлари юқори (баланд) эканлиги аниқланди.

5-жадвал

F. foetida нинг турли вариантларда ўстирилганда морфобиологик таснифи (n=100)

Вариант	Барги (см)			Илдизи (см)			
	Бўйи,	Эни	Барг бандининг узунлиги	Илдизнинг умумий узунлиги	Тугунакнинг узунлиги	Илдиз диаметри	Ён илдизлари
Икки йиллик							
Тажриба варианты	30±1,8	5,0±0,2 5	11,5±0,52	20,0±1,0	6,25±0,29	2,0±0,09	14,5±0,62
Назорат варианты	21±1,05	3,5±0,1 6	8,0±0,4	16,5±0,82	5,0±0,25	1,5±0,07	12±0,52
Уч йиллик							
Тажриба варианты	53±0,91	50±1,10	25±0,57	55±1,48	7,5±0,24	2,4±0,06	12,5±0,47
